



# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2002 yil, 4 oktabr № 41 (526)

Sotuvda narxi erkin



“Тошкент шаҳар телефон тармоғи” Марказий филиалнинг 35-АТСи кросс хизмати бошлиғи Манзура ҒУЛОМОВА ўз ишнинг устаси сифатида ҳурмат қозongan.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

• Обуна — 2003

## “ХАВАР”ГА ОБУНА БЎЛИНИ!

### ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЛАРИ

Янги обуна мавсуми бошланди. Агар Сиз “Хавар”га яна обуна бўлсангиз, алоқа соҳасидаги жамики янгиликлар, муаммолар ва диққатга сазовор масалалардан ўз вақтида хабардор бўлиб борасиз.

“Хавар” газетасига 2003 йил учун обуна давом этмоқда. Газетамизга барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

### Нашр кўрсаткичи:

Якка тартибдаги обуначилар учун — 227.  
Ташкилотлар учун — 228.

“Хавар” газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума кuni хонадонингизга кириб боришини истасангиз, тезроқ обуна бўлишга шошилини!

## МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш, ёш авлод онгида юксак маънавий, ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларни истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги фидойиликлари учун Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент алоқа касб-хунар коллежи, Телекоммуникация лицей-интернати ва Академик лицейнинг профессор-ўқитувчиларидан бир гуруҳи 1 октябр — Ҳўқитувчилар ва мураббийлар кuni муносабати билан мукофотландилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг буйруғига кўра, Тошкент ахборот технологиялари университетининг “Транспорт тармоқлари ва телекоммуникация линиялари” кафедраси мудири **Владислав Сергеевич СМОРЦЕВСКИЙ**га “МОХИР АЛОҚАЧИ” унвони, Тошкент ахборот технологиялари университети “Информатика” кафедраси мудири **Бахтиёр Шарипович РАЖАБОВ**, Тошкент алоқа касб-хунар коллежи ўқитувчиси **Назира МИРЗАКАРИМОВА**, Телекоммуникация лицей-интернати директори **Нодир Садилович ХЎЖАЕВ**, Академик лицей “Маънавият ва маърифат ишлари” буйича директор ўринбосари **Шоира Обиджоновна ТУРСУНОВА**ларга Агентликнинг “ФАХРИЙ ЕРЛИГИ” ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети кутубхонаси директори Таисия Алексеевна СЛИНКО, Тошкент алоқа касб-хунар коллежи ўқитувчиси **Гани Ҳабибович АШРАПОВ**ларга “ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ” нишони берилди. Шунингдек, бир қатор ходимларга ташаккурнома эълон қилинди.

Мукофотлар муборак, азиз мураббийлар!

## ҲАЙЪАТ ЙИГИЛИШИДА

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиши Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Агентлик Бош директори А.АРИПОВ олиб борди. Унда қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди.

“Почта алоқаси ва телекоммуникациянинг универсал хизматларини кўрсатувчи ҳўжалик субъектларини қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида” Агентлик Маркетинг талқиқотлари ва тарифлар бўлими бошлиғи В.Тарасенко маъруза қилди. Маърузачи бу хусусда олиб борилган ишлар ва муаммолар борасида тўхталиб, почта алоқасининг универсал хизматларини молиялаш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимига кирувчи “Почта алоқаси корхоналари томонидан кўрсатиладиган почта алоқасининг универсал хизматларини молиялаш тўғрисида”ги Низом ишлаб чиқилгани ва бошқа масалалар ҳақида сўз юритди. “Почта алоқаси корхоналарида пул маблағларининг сақланиш ҳолатлари ҳақида” “Ўзбекистон почтаси” давлат акциядорлик компанияси бош директори А.Маъмулов маърузаси тингланди. Маърузада почта алоқа корхоналари томонидан пенсия тўловларини тўлашда метёрий ҳужжатларга амал қилинмаётганилиги, жойларда пенсия пулларини нафақачиларга ўз вақтида етказишга назорат ишлари тўлиқ олиб борилмаётганилиги сабабли республика буйича 2001 йилнинг сентябр маъ-

лумотига кўра 13 ҳолатда 6075,9 минг сўм пул маблағи ўзлаштирилган бўлса, жорий йилнинг саккиз ойи давомида 15 ҳолатда 61535,2 минг сўм маблағ ўзлаштирилган, бу ҳолатлар “Фарғона почтаси”, “Хоразм почтаси”, “Самарқанд почтаси”, “Сирдарё почтаси”, “Қашқадарё почтаси” филиалларида содир этилганлиги, почта алоқа корхоналарида пенсия тўловларини ўз вақтида нафақачиларга тўлашни буйича назоратни кулайтириш мақсадида компания томонидан жорий йил, март ойида 58-сонли буйруқ қабул қилинганлиги ва бошқа амалга оширилган ҳамда оширилажак ишлар қайд қилинди.

“Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение корхонасининг баланд тоғларда жойлашган радиотелевизион станциялари ҳолати тўғрисида” Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение корхонаси бошлиғи Х.Соатов маъруза қилди. Маърузачи корхонада олиб борилган ишлар ва муаммолар хусусида сўз юритди.

Ҳайъатда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

## СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ? • Муаммо

### АМАЛДАГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИНИНГ НОМИНАЛ НАРХИ ТАЛАБГА МОС ЭМАСЛИГИ ВА БУ БОРАДАГИ ТАКЛИФЛАР ЖАВОБСИЗ ҚОЛАЁТГАНИЛИГИ ХУСУСИДА

Почта алоқаси хизматларидан олинмаётган даромадлар харажатларни қопламасанглиги тўғрисида сўнги йилларда кўп марта гапирилди. Етарли далил ва исботлар билан қилинган мунозаралар 2002 йилнинг июль-август ойларига келиб ниҳоят ўз ечимини топди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2002 йил, 24 июндаги 22-сонли буйруғига асосан “Ўзбекистон почтаси” давлат акциядорлик компанияси жорий йилнинг 1-чорак якуни буйича янги почта алоқаси тарифларини тасдиқлади.

Ўқордида қайд этилган тарифларда Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳамда хоржий давлатларга юбориладиган почта карточкалари, хат, баннерлар учун олинмаган почта хизмати ҳақи ўзгартирилган. Бу жўнатмалар тўлови почта маркази орқали амалга оширилиши ва захирадаги маркаларнинг энг юқори номинал нархи 100 сўм эканлиги ҳисобга олинса яхши бўлар эди. Чўнки республикадан жўнатиладиган хатжилдаги хат учун максимал тўлов 6280 ва буюртмаси учун 180 сўм белгиланган. Демак, хатжилда камда 64 та 100 сўмлик марка ёпиштириш,

уларнинг олди ва орқа томони бутунлай марка билан қопланиши лозим. Бунинг ўза умуман иложи йўқ. Ҳўш, нима қилиш керак?

Ҳудди шундай саволга жавоб топши мақсадида 2002 йил, 4 сентябрда хат орқали 200, 300, 500, 1000 сўмлик маркалар тайёрлаш ҳақида мутасаддиларга таклиф йўлланди ва 6 сентябрда “Ўзбекистон почтаси” ДАКнинг кузатув кенгаши йиғилишида кенгаш аъзоларининг эътибори шу масалага қаратилди. Мана бир ойга яқин вақт ўтган бўлса ҳам ханузгача бу савол ўз ечимини топмади. Почта жўнатмаларини эса юқорида қайд этилган ҳолатда жўнатиш давом этмоқда.

Бу муаммони газетамизга ёзишдан мақсад кимдининг қоралаш эмас, балки газетани Республиканиннг кўпчилик почта хўдимлари ҳам ўқиринини эътиборга олиб уларнинг бу масала хусусидаги фикрини билишдир.

Ҳурматли ҳамкасблар, сизлар бу муаммо ҳақида қандай фикрласиз?

Комилжон АЛИМОВ,  
“Тошкент почтаси” акциядорлик жамияти директорининг биринчи ўринбосари

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ЯНГИЛИКЛАР • ВОКЕЛАЛАР • ХАБАРАЛАР

• Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Оқсаройда “Даймлер Крайслер АГ” концерни бошқаруви аъзоси, Шаркий Европа, Болтиқбўйи, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик буйича Германия истеъдоди кўмитаси раҳбари Клаус Юрген Мангодди қабул қилди.

• Матбуотда “Ўқитувчилар ва мураббийлар кuni муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

• Япония ҳўкуматининг гранти йўналиши буйича Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈСА) иштирокида республика поштонич тиббий ёрдам илмий марказига 6 миллион 720 минг долларлик тиббий ускуналар топширилди.

• Ўзбекистон Фанлар академияси Усеимлик моддалари кимёси институтида кишлоқ ҳўжалигини кимёлаштиришининг долзарб масалалари буйича халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди.

• БМТ Ҳавфсизлик кенгашининг раивбатдаги мажлисида Яқин Шарқ муаммоси буйича янги резолюция қабул қилинди. Унга кўра Исроил ҳўкумати Фаластин шаҳарларидан ўз қўшинларини олиб чиқиши керак. Анкория, ҳўжжатда Рамаллаш шаҳрини қамал қилиш бекор қилиниши кун тартибига қўйилган.

• Кубага нисбатан қўлланилиб келинмаётган 40 йиллик иқтисодий қамал мобайнида биринчи марта-

ба Гаванада Америка маҳсулотлари кўрғазмаси очилди. Унда 33 та штатда ишлаб чиқарилган товарлар намойиш қилинмоқда.

• Ҳиндистоннинг Гандинагар шаҳрида жойлашган машҳур Сваминараян мажмуида террорчилик ҳўкуми уюштирилди. “Стар поиз” телеканалли берган хабарга кўра, кўпўривчилик ҳаракати патижасида 50 га яқин киши ҳалок бўлган ва 100 дан ортиқ одам жароҳат олган.

Ўзбекистонда газета ва журналлари қўшиб ҳисоблаганда 700 дан кўпроқ матбуот нашрлари чоп этилмоқда. Ана шу нашрларнинг ўз ўсүвчилари қўлига етиб бориши учун тахририят ходимлари билан биргаликда республикамизда фаолият юритаётган "Матбуот тарқатувчи" ациядорлик компанияси ҳам жонбозлик кўрсатади. Матбуот нашрларини тарқатиш осон шۇ эмас, албатта. Республикаимизнинг энг чека туманларича кундалик нашрларни етказиб бериш масъулиятини зиммасига олган "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси Бош директори Рустам ҚОСИМОВ билан келгуси йил учун ўтказилаётган обуна жарайни ҳусусида сўхбатлашдик.

— Обуна мавсумини қўнғилдидек ўтказиш учун қандай ишларни амалга ошироқдасизлар?

— Биласизми, 2003 йил обунасини ташкил қилиш кўнчилиги ўйлагандек айни шу кунларга эмас, жорий йилнинг апрел ойидан бошланган. Апрельданок тахририятлар билан келишган ҳолда ҳаракат қила бошлаганмиз. Август ойида эса барча тахририятлардан нашрнинг баҳоси, тури, қандай мавзуларни ўз ичига қамраб олганини тўғрисидаги маълумотларни олиб, ушбу маълумотлар асосида матбуот нашрини ҳаво ва автотранспорт орқали етказиб беришни ҳисобга олган ҳолда тўрт хилгаи бауна каталоглари тайёрладик. Ушбу каталогларни 17 сентябрча барча почта алоқаси ва "Матбуот тарқатувчи" жамиятларига жўнатиб бўлдик. Каталогга пойтахтда чоп этиладиган нашрларнинг 96 таси, вилоятларда чоп этиладиган 24 та газеталарнинг номи киритилган.

Бугунги кунда энг харидор-гир маҳсулотлардан бири — информация. Вазифамиз ана шу информацияни етказиб беришда истиқоматини билан харидор ўртасида воситачи бўлиш. Биз — "Ўзбекистон почтаси" Давлат акциядорлик компанияси ва "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясининг жўйларига бўлимлари ҳамда тахририятлар ўртасидаги кўприк вази-фисани баҳарамиз.

— Компаниянгиз фақат Ўзбекистонда чоп этиладиган нашрларга обуна ташкил қиладингиз? Айтмоқчиманки, Россия, МДХ мамлакат-

лари, чет эл нашрларига ҳам муштарийлар сизлар орқали обуна бўлишлари мумкинми?

— Албатта. Ҳар бир фуқаронинг хоҳлаган нашрга обуна бўлишга, истган газета-журнални ўқишга ҳаққи бор.

— Ўзбекистонда сизлардан тах-

## ОБУНА МАСЪУЛИЯТИ

қари яна қандай корхона ва ташкилотлар обуна ишлари билан шуғулланиши мумкин?

— Обуна ташкил қилиш билан фирмалар ва ҳусусий тадбиркорлар шуғулланишмоқда.

— Баъзи нашрларга имтёзли нархлар ҳам белгилайсизларми?

— Олдимизга аҳолининг ҳамма қатлами мамлакатимизда кечаётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий янгилликлардан хабардор бўлсин, ўзи истган нашрни вақтда ўқисин, уни излаб-топишда қўйинчиликка учрамасин деган мақсадни кўйганмиз. Мана шу мақсад йўлида хизмат қилмоқдамиз. Демак, ўз мижозларимизга қанчалик энгиллик яратсак, улар шунчага кўпавди. Ижтимоий-сиёсий, болалар нашрларига сезиларли имтёзлар белгилаганмиз.

— Агар мижоз ярим ёки бир йилга обуна бўлса-ю, маълум сабабларга кўра нашр унга етиб бормаса, обуначи берган пулга қуйиб қолмайдими?

— Йўқ. Тахририятлар обуна пулини олганларидан сўнг, биз билан шартнома тузагач, нашрни вақтда чиқариш, босмаҳона харажатларини

қўлаш каби бир қанча шартларни ўз зиммаларига оладилар. Компания эса нашрларни босмаҳонадан олиб кетиш, уни жойларга етказиш каби юмушларни баҳарлади. Агар матбуот нашрлари обуначи қўлига етиб бормаса, муштарий биринчи навбатда обунани расмийлаштирган алоқа бўлимига, "Матбуот" дўконига ёки обуна учун пул тўлаган ташкилотга мурожаат қилиш керак. Мижозлар нашрни ўз вақтида ёки умуман олмаётганлиги ҳусусида компаниямизга ҳам шикоят қилса бўлади. Чунки обунани ташкил қилаётиб ўқувчилар билан ишлаш, обуначига газета-журналларни вақтида етказиб бериш кафолатини компания бўйича олган. Бу ерда тахририят, босмаҳона, "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси ва яна

бир қанча ташкилотлар вази-фисаи худди занқир каби бир-бирига ула-ниш кетади. Занқирдаги бирор ҳалқа вази-фисани баҳармас экан, қўлган ҳалқалар иши ҳам ўтхатб қолади. Муштарийлар юқоридаги каби са-воллардан қўчимадан, ўзлари сев-ган нашрларга обуна бўлишлари мумкин. Уларнинг ҳуқуқларини қўнун ҳимоя қилади.

— Обуна мавсуми қачонгача давом этади?

— Агар муштарийлар эътибор бераётган бўлсалар, бир неча йил-лардан бўён матбуот нашрларига йилнинг исталган пайтида обуна қилишимиз. 2003 йил, 1 январдан нашрларни ўз ўқувчиларига етказиб бериш учун 2002 йилнинг 20 декабригача обуна қиламиз. 20 де-кабрдан кейин янги йилнинг фев-рал ва кейинги ойлари учун обуна уюштирилади.

— Сўхбатингиз учун раҳмат.

Шарифа МАДРАҲИМОВА  
сўхбатлашди

### Ҳамкорлик уфқлари

## ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАРИМИЗДА ЯНГИ НОМ — "ISKRATEL"

2002 йилнинг сентябрыда Тошкентнинг "Интерконтинентал" меҳмонхонасида муваффақиятли ўтган "Телекоммуникациялар ва компютер технологиялари — Uz TEL-2002" 3-халқаро кўргазма-сида биз учун ҳали унчалик таниш бўлмаган Словения Республикаси-нинг "ISKRATEL" компанияси ўзи маҳсулотларини жамоатчилик ҳуқуқига тақдим этди. Корхона Тошкентдаги кўргазмада илк мартаба қатнашаётган бўлса-да, йилгиланларда катта қизиқиш уйғотди. Бу нафақат кўргазма ишида, балки Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида соҳа раҳбарлари, кўп сонли корхоналар, республика бизнес ва халқ ҳўжалигининг бошқа соҳа (йўл хизмати, энергетика ва ҳоказо) мутахассислари иштирокида ўтказилган тақдимот танишувларда ҳам таъкилланди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг фаолият бошлаган, мутахассислари унча кўп бўлмаган корхона соҳада телефон алоқасини ўша пайтлари амалда бўлган техник воситаларини моҳиятан ихчамлаштириш билан шуғул-ланд, тез орада идоравий тармоқ учун ўзининг биринчи муштарий телефон станциясини яратди. "ISKRA" русумли ушбу координатли АТСдан Югославия ичарисида катта талаб билан фойдаланила бошланди.

Корхонанинг электрон техникани ўзлаштиришга ўтиши ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва асбоб-ускуналарни ташқи бозор савдосидаги катта қўтари-лининг чин маънодаги бош-ланиши бўлди. Бунда Словения корхонасининг Европадаги телекоммуникация маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи машҳур компаниялар билан алоқа ўрнатганлиги ҳам муҳим рол ўйнади. Сўнгги 12 йилда Германиянинг "SIEMENS AG" концерни "ISKRATEL" учун доимий ва ишончли ҳамкорга айланди.

"ISKRATEL" чилар ўзларининг кундалик ишларида "SIEMENS AG" билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, техника ва технологияларни тақомиллаш-тириш, жаҳон бозоридagi рақобатни ҳисобга олган ҳолда ҳусусий ишлаб чиқаришни юксак даражада ташкил этиш, экспортга йўнатирилган қатъий маркетинг сиёсатини ўтказиш, мутахассис кадрларни ижодий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби асосий тамойил-ларга таяндилар.

Корхонада минг нафарга яқин одам меҳнат қилиб, салкам 90 фоизи олий ва ўрта махсус маълумотга эгадир. Улар ташаб-бускорликка, изланишга, машҳур конструктор ва фирмалар ишлаб чиқараётган техникаларни тақо-миллаштиришга интилишди. Бундай афзалликлар жамога жуда асқотмоқда, шунинг учун ушбу компания техникалари юқори даражада ишончлилиги, сифати ва хизмат кўрсатишдаги соддалиги билан ажралиб туради.

"ISKRATEL" бугунги кунда йилга 160 миллион евродан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариб, уларни сотишда катта муваф-фақиятларга эришмоқда. Унинг маҳсулотлари Европа, Осиё, Латин Америкаси, Яқин Шарқ, Африка каби 20 та мамлакатга тарқатилади, ўнлаб мамлакат-ларда ваколатхоналари мавжуд. 2001 йили корхона ишлаб чиқариш ҳажми икки бараварга кўпайтирилиб, ташқи

бозорда умумий сифими бир миллион рақамдан зиёд бўлган янги рақамли АТСлар сотилди. Напижада экспорт 50 фоизга ўсди. Фақат "Ростелеком" — "Искра-УралТел" корхонаси билан ҳам-корликдан Россия бозорига 600 минг дона портлар келиб тушди.

Корхонада ишлаб чиқари-лаётган SI 2000 ва EWSD русумидаги замонавий рақамли АТСлар, 200 рақам сифимидаги кичик қишлоқ АТСлари, универ-сал муассасавий станциялар ва шаҳар, туман, вилоятлар учун бир неча ўн минг рақамли сифимда умумфойдаланиладиган стан-циялар харидорчилиги билан катта фойда келтирмоқда.

"ISKRATEL" телекоммуни-кация бозорига маҳаллий улашил-ларга, шаҳарлараро тармоқларга, халқаро алоқа ва Интернетга абонентларнинг чиқа олиши учун барча имкониятлар билан таъминланган интеграл-лашган тизимларни олиб чиқди. Бу бозорда корхона югуни икки асосий — телефония ва маълумотлар узатиш функциясининг тақомил-лашган даражагача еткази-зилганилигидир.

Ўзбекистонда 2000 йилдан бўён "ISKRATEL" русумидаги АТС Фарғона вилоятининг Фурқат туманида (сифими 1136 рақам) муваффақиятли ишлатиб келинмоқда. Унинг ёрдамида биринчи бўлиб шаҳарларга ва халқаро йўналишларга алоқа очилиб, абонентлар билан ҳисоб-китобнинг биллинг тизими ҳам амалга киритилган эди. Шу жумладан, "Ўзбекнефтгаз" корпорацияси ташаббуси билан Қашқарда вилоятининг Шўртангаз корхонасига Словенияда ишлаб чиқарилган 4500 рақамли АТС ўрнатилди. "Ўзбекнефтгаз" жорий йилнинг охиригача ўз корхоналарига яна 6500 рақамдан кам бўлмаган шундай АТСларни ўрнатмоқчи. Шунга ўхшаш бир қанча АТСлар республика-мизнинг бошқа шаҳорчаларида хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, янги АТС сотиб олиш ва уни Самарқанд вилоятининг Ургут туманида ўрнатиш тўғрисида "ISKRATEL" билан фаол музо-каралар олиб боришмоқда.

"ISKRATEL" раҳбар ва менежерлари алоҳида контракт ва шартномаларни баҳарариш билан ишни олға силжитиб бўлмасли-гини тушунган ҳолда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзбектелеком" АК ва республикамиздаги бошқарув ва бизнесининг бошқа тузилма-ларига ўз хизматларини кенроқ тақриф қилмоқдалар. Улар мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, иқтисодий ривожлантириш истиқбол-лари, шу жумладан телеком-муникация корхоналари тўғри-сида жуда яхши хабардорлар.

Бугунги кунга келиб маҳал-лий телекоммуникациялар тармоғининг 33 фоизига ра-қамли асбоб-ускуналарга ўтка-зилган, қолган тармоқни яқин истиқболда қайта қуриш-нинг катта ва аниқ режаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Шу мақсадда Ўзбекистонлик мутахассислар Словенияда бўлиб, "ISKRATEL" ишлаб чиқариш ва маркетинг фаолияти билан яқиндан танишдилар. Мана шундай кенг қиррали ҳамкорлик республикамизда телекоммуника-циясини ривожлантиришда яна бир бор муваффақиятли ташлан-ган қадамлар.

А.КУДИНОВ



# Daewoo Unitel

## 5 yiliga

навбатда вилоятларда эмас, балки пойтахт ва унга яқин туманларда сифатли алоқани таъминлашга ҳаракат қилди. Фақатгина 1999 йилга келиб тармоқ республика бўйлаб кенга


навабтда вилоятларда эмас, балки пойтахт ва унга яқин туманларда сифатли алоқани таъминлашга ҳаракат қилди. Фақатгина 1999 йилга келиб тармоқ республика бўйлаб кенга

тармоғини Зарафшон, Учқудуқ, Денов ва Қумқўрган шаҳарларида кенгайтиришни режалаштирган.

Жорий йили компаниянинг Қарши, Термиз, Навоий ва Урганч шаҳарларидаги филиаллари ўз фаолиятини бошлади. Бундан ташқари компания Гулистон, Жиззах, Нукус ва Шаҳрисабз шаҳарларида ҳам филиаллари очини кўзда тутган.

Ушбу йилнинг ноябрь ойида "Янгоа маҳаллий кўнтроқлар худуди"нинг йўлга қўйилиши ўзига хос аjoyиб воқеа бўлди. Пирокервда республика ичидagi барча шаҳарлараро кўнтроқлар маҳаллий кўнтроқларга тенглаш-

### Daewoo Unitel тармоғи



бошланди. Айни пайтда компания Ўзбекистоннинг барча йирик шаҳар-ларида 60 000 дан зиёд мижозга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ушбу йилги алоқа сифатини яхшилаш борасида янги босқичга қадам қўйилди. Тошкентда икки дивизионли GSM 900/1800 тармоғининг қурилиши бошланди. Ҳусусан, GSM 1800 русуми аҳоли зич яшайдиган туманларга мўлжалланган бўлиб, шу йилнинг бошида ушбу тақомиллашган тармоқ фойдаланишга топширилди.

Эндиликда Ургут, Каттақўрган, Термиз, Жизҳовон, Қоракўл, Урганч, Хива, Нукус, Жиззах, Гулистон ва Ангрён шаҳарларининг аҳолиси "ДЭУ Юнител" уяли алоқа хизматида фойдалана бошланди. Яқин кунларда Чорбоғ сув омбори худудида ҳам алоқа йўлга қўйилади. Шунингдек, компания ўз


тирилиш.

Бугунги кунда "ДЭУ Юнител" мижозлар сони бўйича энг йирик оператор бўлиш, юқори сифатли алоқа билан энг йирик худудни қамраб олиш, мижозларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш, ходимлар учун энг яхши шартнолар яратиш каби биринчи рақамли оператор мавқеини белгиловчи тамойилларга амал қилмоқда.

Беш йиллик натижаларига кўра "ДЭУ Юнител" босиб ўтган тараққийт йўли ибратлидир деган хулосани чиқариш мумкин.

Ўз мухбиримиз

**Мижозлар сони**



Yil	Мижозлар сони
2000	22 000
2001	31 000
2002	60 000



ДУШАНБА, 7

«Ўзбекистон» телеканаллари

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 08.00 08.45 «Таҳдиднома» 8.45 ТВ маркет 8.50 «Ўзбекистон» намоиши...

«Ёшлар» телеканаллари

08.55 Курсулулар дастури. 09.00 Давр тонги. 10.00 «Янги авлод» студияси...

«Тошкент» телеканаллари

17.15 Курсулулар дастури. 17.20 Сернал. «Гросс поинт» 1-серия...

«Халқаро» телеканаллари

8.00 РЖТ. 16.30 Курсулулар дастури. 16.35 «Вести» 17.05 «Евронос»...

СЕШАНБА, 8

«Ўзбекистон» телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ маркет...

рос». Телесернал. «Болалар сайёраси» 16.30 «Мен ва онам» 16.45 ТВ клип...

«Ёшлар» телеканаллари

8.55 Курсулулар дастури. 9.00 Давр 9.15 «Янги авлод» постси...

«Тошкент» телеканаллари

17.15 Курсулулар тартиби. 17.20 ТВда сернал: «Гросс поинт» 2-қисм...

«Халқаро» телеканаллари

Биринчи канал 6.30-9.00 16.30 Курсулулар тартиби. 16.35 «Вести»...

«Ўзбекистон» телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ маркет...

ЧОРШАНБА, 9

«Ўзбекистон» телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ маркет...

«Халқаро» телеканаллари

8.00 РЖТ. 16.30 Курсулулар дастури. 16.35 «Вести» 17.05 «Евронос»...

«Ёшлар» телеканаллари

8.55 Курсулулар дастури. 9.00 Давр 9.15 «Янги авлод» постси...

«Тошкент» телеканаллари

17.15 Курсулулар тартиби. 17.20 ТВда сернал: «Гросс поинт» 4-қисм...

«Халқаро» телеканаллари

Биринчи канал 6.30-9.00 16.30 Курсулулар тартиби. 16.35 «Вести»...

«Ўзбекистон» телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«Халқаро» телеканаллари

Биринчи канал 6.30-9.00 16.30 Курсулулар тартиби. 16.35 «Вести»...

«Ўзбекистон» телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«Халқаро» телеканаллари

Биринчи канал 6.30-9.00 16.30 Курсулулар тартиби. 16.35 «Вести»...

«Ўзбекистон» телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ маркет...

«Халқаро» телеканаллари

8.00 РЖТ. 16.30 Курсулулар дастури. 16.35 «Вести» 17.05 «Евронос»...

анонс. 19.40 Кўна оҳанглр. 19.55 Давр-интервью. 20.10 Мезон...

«Тошкент» телеканаллари

17.15 Курсулулар тартиби. 17.20 ТВда сернал: «Гросс поинт» 4-қисм...

«Халқаро» телеканаллари

Биринчи канал 6.30-9.00 16.30 Курсулулар тартиби. 16.35 «Вести»...

«Ўзбекистон» телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«Халқаро» телеканаллари

Биринчи канал 6.30-9.00 16.30 Курсулулар тартиби. 16.35 «Вести»...

«Ўзбекистон» телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«Халқаро» телеканаллари

Биринчи канал 6.30-9.00 16.30 Курсулулар тартиби. 16.35 «Вести»...

«Ўзбекистон» телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ маркет...

«Халқаро» телеканаллари

8.00 РЖТ. 16.30 Курсулулар дастури. 16.35 «Вести» 17.05 «Евронос»...

Боложонлар экрани. «Шарки ва Жорж». 51-қисм. 18.30, 20.00, 21.20...

«Халқаро» телеканаллари

Биринчи канал 6.30-8.00 16.30 Курсулулар тартиби. 16.35 «Вести»...

«Ўзбекистон» телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«Халқаро» телеканаллари

Биринчи канал 6.30-9.00 16.30 Курсулулар тартиби. 16.35 «Вести»...

«Ўзбекистон» телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«Халқаро» телеканаллари

Биринчи канал 6.30-9.00 16.30 Курсулулар тартиби. 16.35 «Вести»...

«Ўзбекистон» телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ маркет...

«Халқаро» телеканаллари

Биринчи канал 6.30-9.00 16.30 Курсулулар тартиби. 16.35 «Вести»...

«Ўзбекистон» телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ маркет...

дастур. 11.50 -Т. Полонская билан бирга» 12.15 «Ишбилармон кишилар»...

«Халқаро» телеканаллари

Биринчи канал 6.30-8.00 16.30 Курсулулар тартиби. 16.35 «Вести»...

«Ўзбекистон» телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«Халқаро» телеканаллари

Биринчи канал 6.30-9.00 16.30 Курсулулар тартиби. 16.35 «Вести»...

«Ўзбекистон» телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот» 8.35 ТВ маркет...

«Халқаро» телеканаллари

Биринчи канал 6.30-9.00 16.30 Курсулулар тартиби. 16.35 «Вести»...

«Ўзбекистон» телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ маркет...

«Халқаро» телеканаллари

Биринчи канал 6.30-9.00 16.30 Курсулулар тартиби. 16.35 «Вести»...

«Ўзбекистон» телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ маркет...

«Тошкент» телеканаллари

17.15 Курсулулар тартиби. 17.20 «Эрда муслик»...

Буюкларнинг ҳаёти сирларга бой бўлади. Масалан, Леонардо да Винчининг сирли муҳаббати ҳақида тўрт асрдан буюн турли афсоналар, ривоятлар юради.

Италияда Чечилия Галлерани исми оқди ва гўзал хоним яшарди. Қиролнинг машуқаларидан бири ҳисобланган бу ёш аёл ўз даврининг машҳур инсонларидан бўлиб, латин тилини мукамал билар, италян тилида шеърлар битар, кўзга кўринган сийсатчилар, шон-ру санъаткорлар унинг хонадонига тўпланиб, қизгин баҳсу мунозаралар юритишни ёқтиришарди.

Леонардо да Винчи Миланга келган, Чечилиянинг портретини ишлайди. Бу пайтда қиз ўн олти ёшда эди. Замондошларининг эълоқларига қараганда қиз Леонардога кўнгли кўяди. Йилит ҳам унга бефарқ эмасди. Улар ўртасидаги муҳаббатни махфий тутишди. Лекин рассомнинг қизга битган хатларидан бирининг қораламаси замондошлари кўлига тегади. Унда шундай сўзлар бор эди: "Бекдёр бўлдим, донна Чечилия. Севишли фарштам. Сен ёзган мактубини ўқиб..."

Чечилия ҳам унга битган мактубларининг бирида шундай ёзган эди: "Сен яратган асаринг асл нусхага ўхшашни ёки ўхшамаслигини биламоқчи бўлсанг, ойна олдига бориб, унга боқ, ўшанда асл нусха — тирик инсон унда қанчалар ҳақоний акс этганини билиб оласан".

Леонардо Чечилияни аёл сифатида севганимикин ёки уни илоҳий мавжудот сифатидагина улуғлаганими? Бу каби саволлар асрлар буйи жавобсиз қолмоқда. Чунки, рассом тўрт аср илгари яратган "Сувсар ушлаган аёл" суратидаги Чечилия қалб муҳаббатга тўла аёл эмас, ҳиссиз, тошбағир аёл сифатида тасвирлан-

туқлар, юз терисининг ўзига хос ранги, қизғиш лабларнинг ярим кинояли табассуми, ҳатто буйнидаги гу-пиллаб уриб турган қон томирларининг бетининг ҳаракати — ҳаммаси худди тирикдек, у ҳозир сизга гапириб юборганидек туюлади. Гузаллик қошида, аёлнинг сирли қарашлари олдида ўзингизни йўқотасиз, унинг салобати босади.

Тасвирдаги бу хоним флоренциялик сийсатчи ва савлоғар Пэро Франческо Жоконданнинг хотини

● БУЮКЛАР МУҲАББАТИ

ҳам сир эди, ҳамон пинҳонлиги-ча қолмоқда.

Аммо тахминлар рассом ва бу хоним ўртасида буюк муҳаббат бўлганини ҳақида сўз очишга имкон беради. Мона Лиза ёшлигида бир йилитни севган. Аммо 1479 йилда уни ўн олти ёшидаги илгари икки марта уйланиб, тул қолган аслзода Франческо Жокондага турмушга узатишди. Қизнинг севгилиси бунга чидай олмади, ўзини ҳалок этади.

Леонардо да Винчи Мона Лизанинг туталланмаган портретини кўтариб, бошқа мамлакатларда бир неча муддат юради. Аммо ҳеч ўзини кўярга жой топа олмади. Шундан сўнг у Мона Лизадан умуман ажралмасликка аҳд қилиб, унинг пойига борди. Йўлда бир кишидан жаноб Жоконданнинг учинчи марта ҳам тул қолган, ёш хотинининг сафардан қайтаётиб, тўсатдан вафот этганини эшитди...

Рассомнинг Мона Лизага бўлган муҳаббати шундай фожиали тугайди. У севгилиси висолига етиша олмади...

Бироқ у муҳаббатнинг буюк тимсоли сифатида сирли, тилсимли севикли аёли Мона Лиза тасвирини қолдириб кетди...

И.АҲМЕДОВ тайёрилади

# ЛЕОНАРДОНИНГ МОНА ЛИЗАСИ

ган. Нега? Бу портрет рассомнинг буюк асарларидан бири сифатида баҳоланади. Лекин унда санъаткор ўз севгилисини тасвирлаганига табиийки шубҳа туғилади.

Леонардо да Винчи яратган аёл образларидан яна бири, ҳамон қизгин баҳсу мунозараларга сабаб бўлиб келатган Жоконда портретининг яратилиш тарихи ҳақида ўйга толсангиз ҳам шу каби саволларга дуч келасиз.

Асар барчани, унинг ёши, миллатидан қатъий назар ҳар доим ҳаяжонга солиб келаттир. Аёл кўзларидаги хиёл намлик, юзидаги майда

Мона Лиза эди. Рассом "Жоконда"ни тўрт йил ишлади. Аммо тўрт йилда ҳам тугата олмади. У асарини қўлтиқлаб, Италияга кетиб қолди, қайтиб келиб, яна ишламоқчи бўлди.

Рассом бу бадавлат кишининг хотини портретини буюртма асосида яратганими? Ундай бўлса, нега уни тўрт йилгача ҳам тугата олмади? Асарини нега Жоконда хонадонига бермади? Нега Мона Лизанинг эри, ўз даврининг машҳур ва таниқли аслзоласи хотинининг ўша пайтларда хатти-ҳаракатлари ҳар хил гап-сўзларга, гийбатларга сабаб бўлаётган рассом устахонасига тўрт йил қатнашига руҳсат берди? Булар ўша даврда

## РЕКОРДЧИ КЕЛИН — КУЁВЛАР

Европадаги энг қари келин-куёвлар деб 94 ёшли француз аёл Мадлен Франсино ва унинг 96 ёшли ватандоши Франсуа Фернадес тан олинди. Улар севишганлар куни деб ҳисобланувчи 14 феврал — Авлиё Валентин кунига икки ҳафта қолганда турмуш курдилар.

Энг қари эр-хотинлар эса Австрияда яшашиди. Икковининг ёшини кўшганда роппа-роса 210 ёшга етади. Австриялик бу умрбоқийларни яқинда Инсбрук шаҳрида кадрдон ҳамшаҳарлари қутлашди.

Оила бошлиғи — Леополд Виеторис маҳаллий университетнинг собиқ математика профессори бўлиб, яқинда 110 ёшини нишонлади ва ўз мамлакатидagi умрибоқийлар орасида рекордчи бўлди. Унинг рафиқаси ёшроқ — "бор-йўғи" 100 ёшга кирди, холос.

## ҲИҚМАТЛАР

Одамлар ҳозир қандай бўлса, шундай туғилмаган, улар шаклланган.

**К.ГЕЛВЕЦИЙ**

Табиаат эҳсонига қараганда кишилар кўпроқ машқ туфайли фозил одамларга айланадилар.

**ДЕМОКРИТ**

Киши фақат туғма сифатлари билангина эмас, балки ҳаётдан ўзи олган сифатлари билан ҳам ажралиб туради.

**И.ГЁТЕ**

Ҳаётнинг маъноси — инсоннинг камолотга эришувидадир.

**М.ГОРКИЙ**

Ҳаёт — бу бетўхтов камолотдир. Камолотга етдим, дейиш — ўз-ўзини махв этмоқликдир.

**Ф.ГЕББЕЛ**

Ўзидан қоникмаслик доно киши ҳаётининг зарур шартидир. Фақат шу қоникмасликка кишини ўз устида ишлашга ундайди.

**А.ТОЛСТОЙ**

Бирдан тушуниб етиш ва ҳис қилиш мумкин, лекин бирдан инсон бўлиб қолинмайди, балки инсон сифатида шаклланмоқ керак.

**Ф.ДОСТОЕВСКИЙ**

## ҚИММАТБАҲО ҲАШАРОТ

● Ажаб дунё

1999 йилнинг 19 августида Токиодаги дўконлардан бирида аjoyиб савдо амалга оширилди. Мамлакатдаги компаниялардан бирининг президенти бу дўкондан 8 сантиметрли кўнғизни 90000 АҚШ долларига сотиб олди. Харидор ўз шахсини ошкор этишни хоҳламади. Нега дейсизми? Ушбу харид ўғрилар эътиборини жалб қилса, президент шундай қимматбаҳо ҳашаротдан ажралиб қолиши мумкин эди-да!

## ЭНГ КЕКСА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи "Қуллиққа қарши" халқаро ташкилотига 1839 йили асос солинган. Шунингдек, Британия ва хорихдаги қуллиққа қаршилар жамияти ҳам кекса халқаро ташкилотлардан ҳисобланади. У

бутун дунё бўйича мажбурий меҳнат шакллари ва кишиларни эксплуатация қилишга қарши ҳозиргача курашиб келмоқда.

## НОГИРОНЛАР АРАВАЧАСИДАГИ САЙЁҲАТ

Қийинчиликларни ҳар доим енгиб ўтувчи, иродали кишилар ҳаётда кўп учрайди. 1973 йили автомобил ҳалокати туфайли ногирон бўлиб қолган канадалик Риж Хансен ҳам тақдирга тан бериб, уйда қамалиб ўтиришни ўзига эп кўрмади. У 1985 йилнинг 21 мартдан 1987 йил, 22 майгача дунёнинг тўрт қитъасидаги 34 та шаҳарни ногиронлар аравачасида босиб ўтди. Хансеннинг бу мамлакатлар бўйлаб уюштирган сайёҳати 40075 км. масофага ўзилди.

## МАШҲУРЛАР ВАСИЯТНОМАСИ

● Бу — қизиқ!

1553 йили француз ёзувчиси Франсуа Рабле энг қашшоқ васиятнома ёзиб қолдиради. Унда шундай сўзлар бор: "Менинг ҳеч қандай мулким йўқ. Нимаки топсанглар, камбағалларга беринглар".

\*\*\*  
Энг бой васият 1991 йили дунёни тарк этган америкалик Анненбергга тегишли. У 1 млрд. долларлик санъат асарлари тўпламини Нью-Йоркдаги Метрополитен музейига қолдириди.

\*\*\*  
АҚШ тарихидаги энг сархий васиятгўй учинчи президент ва кўзга кўринган ма-

рифатчи Томас Жефферсон ҳисобланади. У халқига бирор мулк ёки бойлик қолдиргани йўқ. Аммо васиятномасида ўз қулларини озод деб эълон қилди. Мол-мулкнинг қариндош-уруғлари томонидан бўлиб олинishi учун улар ҳам қулларини озод этишларини шарт қилиб қўйди.

\*\*\*  
1812 йили вафот этган Амшел Ротшиднинг васияти гоят махфий ҳисобланади. Унда: "Менинг меросимни рўйхатга олишни, суд аралашуви ва ошкор этишларини қатъиян ман қиламан", дея ёзган эди Амшел.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси университетнинг "Ўзбек ва рус тиллари кафедраси" катта ўқитувчиси, доцент **Фарида ЙЎЛДОШЕВА**ни туғилган куни муносабати билан чин юракдан самимий табриқлайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, мураббийлик ишларида муваффақиятлар тилайди.

Газетанинг ўтган 40-сонини, 1-сифасидаги "Семинар-кенгаш ўтказилди" мақоласининг 2-устун, 4 ва 11-каторидаги «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали» жумласи «Шаҳар телефон тармоғи» тарзида ўқилсин.

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир:  
Шодмон ОТАБЕК

### ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шомансур ОБИДУЖАЕВ,  
Шўхрат ЖАББОР,  
Анатолий КУДИНОВ,  
Иззат АҲМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари),  
Мирўлга МИРЗО,  
Рустам ҚОСИМОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35,  
А. Толстой кўчаси, 1.  
ТЕЛ: 136-36-42, 136-35-29,  
Буюртма №Г-973,  
144-29-09.  
Факс: 136-36-42  
**Habar@uzapt.uzpak.uz**  
ИНДКС:64600  
Жума кунлари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат мейбрут қўлига оид 00011 рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма №Г-973.  
5086 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 160сма табоқ.  
Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЕТ-МАТБАА  
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ  
БОСМАХОНАСИ  
Мониторинг Тошкент шаҳри,  
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.  
Матн тереувчи: Д.МАТРУБОНОВА  
Саҳифаловчи: Ш.КИМСАҲБОВ  
Босишга топширилди — 18.00  
Босишга топшириш вақти — 18.00